Амири Рашид
(963 - Бухоро - 997)
(976-997)

Сомонийлар давлатининг амири, амир Мансур ибн Нухнинг ўгли. Отасининг вафотидан сўнг тахтга ўтирди (976-йил 26-сентабр). Сиёсий ва харбий сохада ислохотлар ўтказган. Мухаммад ибн Абдуллох ибн Азиз вазир, Абулхасан Симжурий сипохсолор (бош кўмондон) бўлди. Сиёсий жараёнларда турк лашкарбошиларининг мавкеи кучайган. Нух ибн Мансурнинг лашкарбошиси Фойик Работи Малик якинида бўлган жангда атайлаб енгилган ва корахонийлар хукмдори Бугрохон (Хорун ибн Мусо) Бухорони урушсиз ишгол килган (992). Бирок, Бугрохон касаллик туфайли Кашкарга кайтиб кетаётганда йўлда вафот этган (992). Нух ибн Мансур Амул (Чоржўй)дан кайтиб, Бухорони кайта эгаллаган. Бу пайтда Сомонийлар давлатига карашли Хуросон Абу Али Симжурий (Абулхасан Симжурийнинг ўгли) ва Фойик, Газна ва Хирот вилоятлари Сабуктегин кўлида бўлган. Нух ибн Мансур билан Сабуктегин ўртасида Кеш ва Нахшабда ўзаро учрашув бўлиб, унда Сабуктегин сомонийларни кўллаб-кувватлашга ваъда берган. Гардизийнинг ёзишича, Сабуктегиннинг 20 минг кишилик кўшини Абу Али Симжурий (997-йил вафот этган) ва Фойик аскарларига Ўтрот атрофида кучли зарбалар берган. Нух ибн Мансур Бухорога кайтган. Бирок унинг Сомонийлар давлатини таназзулдан саклаб колиш йўлидаги харакатлари ўз натижасини бермади. Корахонийларнинг Бухорога 996-йил килган хужумлари окибатида Сабуктегин билан Бугрохоннинг вориси Наср Илокхон ўртасида Нух ибн Мансурнинг иштирокисиз музокаралар ўтказилиб, сомонийларга Мовароуннахрнинг факат маркази колдирилади. Нух ибн Мансур саройида шоир Дакикий ижод килган. Машхур табиб Абу Али ибн Сино 16 ёшида Нух ибн Мансурни даволаб, ўша даврда Шаркдаги энг бой кутубхона саналган Сомонийлар давлатининг кутубхонасида мутолаа килиш имкониятига эга бўлган.